

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O‘RTA MAXSUS  
TA‘LIM VAZIRLIGI**

**URGANCH DAVLAT UNIVERSITETI**

# **ILM SARCHASHMALARI**

*Jurnal O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Oliy attestatsiya komissiyasining FILOLOGIYA, FALSAFA, FIZIKA-MATEMATIKA hamda PEDAGOGIKA fanlari bo‘yicha doktorlik dissertatsiyalari asosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrdir.*

**3.2021**

**научно-теоритический методический журнал  
Издаётся с 2001 года**

**Urganch – 2021**

Yaxlit bir terminologik tizimni tashkil etuvchi tibbiy terminlar, o'z navbatida, bir qancha mavzu guruhlarga bo'linadi. Terminlarni mavzuiy guruhlarga ajratib o'rganish muayyan terminologik tizimning, xususan, o'zbek tibbiy terminologiyasining butun lug'aviy boyligini, uning shakllanish va rivojlanish imkoniyatlarini aniqlashga yordam beradi.

**Қиличев Байрамали (БухДУ доценти)**  
**ТОПОНИМЛАР ТАРКИБИДАГИ СОНЛАР ҲАҚИДА**

**Аннотация.** Мазкур мақолада турли жой номлари таркибида учрайдиган бир, икки, уч, тўрт ва бошқа сонлар ҳақида маълумот берилган. Айрим топонимлардаги шаклан сонларга ўхшаш, мазмунан эса сон – миқдорни ифодаламайдиган бирликлар таҳлил қилинган ҳамда уларга хос семантик ва этимологик жиҳатлар очиб берилган. Баъзи топонимларнинг этнонимлар асосида шакллانганлиги сабабли, улардаги сон шаклли сўзлар шарҳланган.

**Аннотация.** В статье приводится информация о количественных словах один, два, три, четыре и о других числах, которые встречаются в разных названиях мест. В некоторых топонимах анализируются единицы, похожие по форме на числа и не представляющие собой числа по содержанию, раскрываются их семантические и этимологические аспекты. Некоторые топонимы сформированы на основе этнонимов, следовательно, значение числа в них не выражается.

**Annotation.** This article provides information on the quantitative words one, two, three, four and other numbers that are found in different place names. In some toponyms, units are analyzed that are similar in form to numbers and do not represent numbers in content, and their semantic and etymological aspects are revealed. Some toponyms are formed on the basis of ethnonyms; therefore, the meaning of the number is not expressed in them.

**Калим сўзлар:** топоним, этноним, этнотопоним, этимология, сон, миқдор, бир, икки, уч, тўрт, беш, олти, етти, қирқ, қабила, тепа, қишлоқ, аҳоли пункти.

**Ключевые слова:** топоним, этноним, этнотопоним, этимология, число, количество, один, два, три, четыре, пять, шесть, семь, сорок, племя, холм, деревня, населенный пункт.

**Key words:** toponym, ethnonym, ethnotoponym, etymology, numerical word, number, one, two, three, four, five, six, seven, forty, tribe, hill, village, settlement.

Ўзбекистон топонимиясида турли морфологик бирликларни кузатиш мумкин. Булар сирасига от, феъл, сифат каби фаол кўлланадиган, равиш, олмош, сон каби миқдоран кўп бўлмаган номлар ҳам учрайди. Биз ушбу мақолада топонимлар таркибида кузатиладиган айрим шаклан сонга ўхшаш, мазмунан эса сон – миқдор билан боғлиқ бўлмаган маъноларни ифодалаган бирликлар борасидаги қарашларимизни баён этамиз.

Мамлакатизнинг турли ҳудудларида бир, уч, тўрт, беш ва бошқа сўзлар иштирокидаги номларни учратиш мумкин. Ушбу номларнинг айримларида сонлар ўз асл вазифаси – миқдорни ифодалашга хизмат қилса, айримларида эса миқдор билан алоқадор бўлмаган маъноларда кўлланган.

**Бир сўзи.** Ушбу сўз *Биркунлик* топоними таркибида учрайди. Мазкур топоним Қашқадарё вилояти Китоб туманидаги қишлоқ номидир. Маҳаллий аҳоли топонимнинг этимони сифатида қишлоқнинг Китоб шаҳри марказидан бир кунлик йўл бўлганлиги билан изоҳлайди. Аслида, топоним *Бургутли* шаклида бўлиб, туркий кавм номларидан бири саналади.<sup>1</sup> Топоним товуш ўзгаришига учраган.

**Уч сўзи.** Бу сўз *Учкўрна*, *Учтепа*, *Учтут*, *Учуйлик*, *Учуруғ*, *Учқиз*, *Учқора* каби топонимлар таркибида учрайди. Мазкур топонимлар таркибидаги *уч* сўзи турли маъно кирраларини намоён этган. Жумладан, *Учтепа* топонимидаги *уч* сўзи *ёнма-ён ёки яқин масофада жойлашган учта тепа*, шунингдек *уч* – *белгиланган ҳудуднинг ёки нарсанинг охири*, *сўнгги жойи* каби маънони ҳам ифодалайди.<sup>2</sup> Демак, топоним *тепа* индикатори билан боғлиқ ҳолда пайдо бўлган. Худди шундай ҳолатни *Учтут* топонимида ҳам кузатиш мумкин.

<sup>1</sup> Нафасов Т. Қашқадарё қишлоқномаси. Т., “Муҳаррир”, 2009, 63-бет.

<sup>2</sup> Шу манба. 264-бет.

*Учуйлик* топоними этноним асосида пайдо бўлган.<sup>1</sup> Демак, мазкур топоним таркибидаги *уч* морфемаси алоҳида ажратилмайди. Бу топонимга *учуйли* этноними асос бўлганлиги сабабли *уч* сўзи сон – миқдор маъносини ифодаламайди ва х.к.

*Учқиз* топонимини этимологик таҳлил қилган проф. Т.Нафасов *учқиз* – тиклик қўлами баланд бўлган, усти чоштепа сингари сиртли бўлган тепалик, дея таъриф берган.<sup>2</sup> Демак, *учқиз*, аслида, *учқуз* бўлиб, тепалик турини ифодалайди. Айтиш мумкинки, *Учқиз* топоними таркибида ҳам сон маъносидаги сўз мавжуд эмас.

**Тўрт сўзи.** Мазкур сўз *Тўртайғир*, *Тўрткўл*, *Тўртоғайни*, *Тўрттом*, *Тўртуйлик* каби топонимлар таркибида учрайди. Айтиш лозимки, қайд этилганлардан фақат *Тўрттом* топоними таркибида сон маъносидаги сўз иштирок этган.<sup>3</sup> Топоним *тўрт* (4) уй маъносига эга. Бу ном мазкур жойда биринчи қурилган *тўрт* уй сабабли пайдо бўлган.

*Тўрткўл/Тўртгул* топонимига шарҳ берган атоқли шарқшунос В.В.Бартольд *тўрткўл* – *чолдевор*, *вайрон бўлган девор*, *қўрғон харобаси* эканлиги ҳақида изоҳ қолдирган.<sup>4</sup> Т.Нафасов *тўрткўлни* *тўртбурчак* сўзи асосида пайдо бўлган, деб қайд этган. Манбаларда *Тўртайғир*, *Тўртоғайни*, *Тўртуйлик* каби номлар этнонимлар асосида шаклланганлиги қайд этилган.<sup>5</sup> *Тўртайғир*, *тўртоғайни*, *тўртуйли* этнонимлари кипчоқларнинг уруғларидан бири саналади. Демак, бу номлар таркибида ҳам *тўрт* сони мавжуд эмас.

**Беш сўзи.** Ушбу сўз қатнашган топонимлар Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида учрайди. *Жумладан*, *Бешариқ*, *Бешбек*, *Бешбола/Бешбўла*, *Бешбулоқ*, *Бешгумбаз*, *Бешдара*, *Бешдарак*, *Бешёғоч*, *Бешкал*, *Бешкалтак*, *Бешкапа*, *Бешкент*, *Бешқўса*, *Бешмачит*, *Бешнова*, *Бешпайкал*, *Бешпанжа*, *Бешсари*, *Бешта*, *Бештанга*, *Бештаноб*, *Бештахта*, *Бештерак*, *Бештут*, *Бештўла*, *Бешуйли*, *Бешчаима*, *Бешэркак*, *Бешўчоқ*, *Бешўғил*, *Бешқиз*, *Бешқозоқ*, *Бешқўл*, *Бешқўрғон*, *Бешқўтон* кабилар.

Юқорида қайд этилган топонимлардан *Бешбола/Бешбўла*, *Бешкал*, *Бешкалтак*, *Бешқўса*, *Бешсари*, *Бешуйли*, *Бешэркак*, *Бешўғил*, кабилар этнонимдир. Хусусан, *Бешбола/Бешбўла* – кўнғиротларнинг ойинни бўлимига, шунингдек, Зарафшон водийсидаги қорақалпоқларнинг, Сурхондарё туркман жузларининг, Фарғона кипчоқларининг, Зарафшон сариқ кипчоқларининг бир уруғи; *Бешкал* – манғит, юз ва ўзбеклашган арабларнинг уруғ тармоғи;<sup>6</sup> *Бешкалтак* – кўнғиротлар қўштамғали бўлимига мансуб кал уруғининг бир тармоғи, кипчоқларнинг бир уруғи;<sup>7</sup> *Бешқўса* – Қашқадарё ва Сурхондарё кўнғиротларининг очамайли, майдатўда уруғларининг бир тармоғи, кўнғиротларнинг қўштамғали бўлимидаги уруғ номи ҳамда Сурхондарё туркманжузларининг жилонтамғали бўлимига мансуб уруғ номи;<sup>8</sup> *Бешсари* – кипчоқларнинг бир уруғи;<sup>9</sup> *Бешуйли* – уйли уруғининг тармоғи;<sup>10</sup> *Бешэркак* – кўнғиротларнинг вохтамағали бўлимидаги гиламбови (гиламбоғи) уруғининг бир тармоғи;<sup>11</sup> *Бешўғил* – кўнғиротларнинг вохтамағали бўлимидаги болғали тармоғига мансуб уруғ номи.<sup>12</sup>

*Бешариқ*, *Бешбулоқ*, *Бешдарак*, *Бешёғоч*, *Бешкапа*, *Бешкент*, *Бешмачит*, *Бешнова*, *Бешпайкал*, *Бешпанжа*, *Бешта*, *Бештахта*, *Бештерак*, *Бештут*, *Бештўла*, *Бешчаима*, *Бешўчоқ*, *Бешқиз*, *Бешқозоқ*, *Бешқўл*, *Бешқўрғон*, *Бешқўтон* топонимларининг айримларида беш раками, айримларида эса беш сўзининг *миқдоран кўп*, *анча*, *бир нечта* каби маънолари мужассамлашган.

Бешбек топоними товуш ўзгариши орқали пешпек сўзидан ҳосил бўлган. Пешпек – бир неча тепалар яқинида бўлган қишлоқ маъносига эга бўлиб, Бешбек товуш ўзгариши натижасида юзага келган.

<sup>1</sup> Қораев С. Географик номлар маъноси. Т., “Ўзбекистон”, 1978, 133-бет.

<sup>2</sup> Нафасов Т. Қашқадарё қишлоқномаси. Т., “Мухаррир”, 2009, 265-бет.

<sup>3</sup> Шу манба. 256-бет.

<sup>4</sup> Бартольд В.В. Сочинения. т.1, М., 1963, с. 199.

<sup>5</sup> Шаниязов К.К. К этнической истории узбекского народа. Т., 1971, с. 116.

<sup>6</sup> Нафасов Т. Қашқадарё қишлоқномаси. Т., “Мухаррир”, 2009, 58-бет.

<sup>7</sup> Шу манба. 58–59-бетлар.

<sup>8</sup> Нафасов Т. Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати. Ўзбекистоннинг жанубий районлари. Т., “Ўқитувчи”, 1988, 90–93-бетлар.

<sup>9</sup> Қораев С. Географик номлар маъноси. Т., “Ўзбекистон”, 1978, 37-бет.

<sup>10</sup> Дўсимов З., Эгамов Х. Жой номларининг қисқача изоҳли луғати. Т., “Ўқитувчи”, 1977, 34-бет.

<sup>11</sup> Шу манба.

<sup>12</sup> Шу манба. 35-бет.

**Олти сўзи.** Олти сўзи *Олтиариқ, Олтиўғил, Олтиқоплик, Олтиқоқ*, топонимлари таркибида учрайди. Зикр этилганлардан *Олтиўғил* топоними этноним асосида шаклланган. Бу ҳақда С.Қораев қуйидагича маълумот берган: *Олтиўғил – Самарқанд вилояти Нарнай, Пахтачи туманларидаги қишлоқ номи. Олтиўғил – этноним.*<sup>1</sup> Демак, бу ном таркибидан *олти* сўзини алоҳида ажратиб бўлмайди.

*Олтиариқ, Олтиқоплик, Олтиқоқ* кабиларда *олти* сўзи сон, миқдор маъносини ифодалаган. Жумладан, *Олтиариқ* топоними асосида *олти* сони бор дейишга асослар мавжуд. *Олтиариқ* 6 қишлоқ (Повулғон, Полосой, Лайлакхона, Янгикўрғон, Жўра ва Киткон) ариқларига бўлинган. *Олтиариқ* номи шундан келиб чиққан ва кейинроқ шаҳарча ва туман номига ўтган.<sup>2</sup> Шунингдек, *Олтиқоқ* – Навоий вилояти Томди туманидаги аҳоли пункти номи. С.Қораев ушбу номни *олти+қоқ*: *олтита қоқ* (кўлмак) тарзида шарҳлаган.<sup>3</sup>

Шахрисабз туманидаги экинзор ер майдони *Олтиқоплик* деб номланади. Бу ҳақда проф. Т. Нафасов *олти қоп галла уруғи сепиладиган жой. Ҳар қопга 12 пуд, жами 72 пуд галла экилган. Мўлжал жой номининг яратилишига асос бўлган*, дея хабар берган.<sup>4</sup> Пуд тарихий ўлчов бирлиги бўлиб, бугунги кунда 16,38 килограммга тенг. Демак, 1179,3 килограмм оғирликдаги дон экилган майдон *олтиқоплик* деб юритилган.

**Етти сўзи.** *Еттижар, Еттикечув, Еттисой, Еттисув, Еттитом, Еттиуй, Еттиуруғ, Еттиқудуқ* каби топонимлар таркибида *етти* сўзи иштирок этган. Мазкур топонимларни этимологик таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, уларнинг таркибида учрайдиган *етти* компоненти доим ҳам сон маъносида қўлланмаган.

Жумладан, *Еттикечув* топоними таркибидаги *етти* сўзи кечувнинг еттиталигини эмас, балки кўплигини билдиради. *Етти* этнолингвистик атама бўлиб, кўплик, қудратлилик маъносини англатган.<sup>5</sup> Демак, бу ўринда *етти* миқдор маъносини ифодалаган. Худди шунингдек, *Еттисув, Еттижар* топонимларида ҳам аниқ сон (рақам) эмас, миқдор маъноси кўзга ташланади.

Шундай қараш Т.Нафасов томонидан ҳам баён этилиб, *етти сўзи жой номлари таркибида кўп учраши, унинг бир неча маъноси борлиги, жумладан, Еттиқудуқ – кўп қудуқли, ёнма-ён жойлашган, яқин масофада бир неча қудуқлар бўлган жой* эканлиги қайд этилган.<sup>6</sup>

*Еттитом* топоними таркибида *етти* (7) сони қатнашганлигини қайд этиш лозим. Бу топоним Қашқадарё вилояти Чироқчи туманидаги қишлоқ номи ҳисобланади. Қарши-Самарқанд, Кўкдала-Чироқчи йўли чорраҳасининг ғарбида еттита ҳовли қурилган, шу асосда аҳоли пункти пайдо бўлган.<sup>7</sup>

Таркибида *етти* сўзи учрайдиган *Еттиуй, Еттиуруғ* кабилар этнопонимлар ҳисобланади. Бу ҳақда манбаларда атрофлича маълумот берилган. Чунончи, *еттиуй* – уруғ номи. Этнонимияда *уй* – авлод, тўп, уруғ маъносини билдирган. *Уй* сўзи айрим этнонимлар (*уйчи*) таркибида тотем (сигир)ни англатган.<sup>8</sup>

*Еттиуруғ* топоними ҳам этноним асосида пайдо бўлган. Мазкур топонимга кипчоқ уруғларидан бири ҳисобланган *еттиуруғ* этноними асос бўлган. Бу уруғнинг шаклланишида *ойтамғали, қўштамғали, сирғали, қамчили, жувонли, саманотли, чўмичли* кабилар иштирок этган.<sup>9</sup>

Х.Дониёров “Қитмир” китобидан кўчирма деб 56-рақам билан *еттибош* этнонимини қайд этган.<sup>10</sup> Демак, *Еттибош* топоними ҳам этноним (*еттибош*) асосида пайдо бўлган.

Айтиш мумкинки, *Еттижар, Еттикечув, Еттисой, Еттисув, Еттитом, Еттиқудуқ* кабилардагина *етти* сўзи сон-миқдор маъносини ифодалаган.

<sup>1</sup> Қораев С. Географик номлар маъноси. Т., “Ўзбекистон”, 1978, 91-бет.

<sup>2</sup> Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 12 томлик, 11-том, Т., Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2005, 518-бет.

<sup>3</sup> Қораев С. 91-бет.

<sup>4</sup> Дўсимов З., Эгамов Х. Жой номларининг қисқача изоҳли луғати. Т., “Ўқитувчи”, 1977, 141–142-бетлар.

<sup>5</sup> Шаниязов К. К этнической истории узбекского народа. Т., 1971, 57 с.

<sup>6</sup> Нафасов Т. Қашқадарё қишлоқномаси. Т., “Мухаррир”, 2009, 99-бет.

<sup>7</sup> Шу манба. 68-бет.

<sup>8</sup> Дўсимов З., Эгамов Х. Жой номларининг қисқача изоҳли луғати. Т., “Ўқитувчи”, 1977, 68-бет.

<sup>9</sup> Дониёров Х. Ўзбек халқининг шажара ва шевалари. Т., “Наврўз”, 2017, 138-бет.

<sup>10</sup> Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 12 томлик, 11-том, Т., Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2005, 93-бет.

**Қирқ сўзи.** Ушбу сўз иштирокидаги *Қирқён, Қирқоёқ, Қирққиз, Қирққулоч, Қирққалъа, Қирқлар* каби топонимлар мавжуд. Топонимларнинг айримлари (*Қирққулоч, Қирққалъа*)да қирқ сони (40) миқдор, ўлчов, рақам маъноларида иштирок этган. Жумладан, *Қирққулоч* – Қашқадарё вилояти Нишон туманидаги қишлоқ. Аслида, кудук номи бўлган: қирқ – ноаниқ миқдорни анга-тувчи сўз, кудук сувининг анча чуқур жойда эканлигини билдиради. Кудук номи қишлоқ номига ўтган. *Қирққалъа* – Бухоро вилояти Қоракўл туманидаги қишлоқ номи. Бунда қирқ сўзи кўп, анча маъноларида қатнашган. Туркиядаги бир шаҳар номи ҳам Қирққалъа.

*Қирқён, Қирқоёқ, Қирқлар* каби топонимлар *қирқ* этноними асосида шаклланган.

Қирқ – ўзбек халқи таркибига қирган йирик қабилалардан бири. Тарқоқ ҳолда Самарқанд атрофида, Панжикентнинг жанубида, ҳозирги Ғаллаорол, Жиззах, Зомин ва Ўратепа ҳудудларида яшаганлар. Кўпинча, ўзбек халқи таркибига қирган қабилалардан бири – юзлар билан аралашган ҳолда яшаганлар. Шунинг учун ҳам кўпчилик манбаларда «қирқ юз» номи билан ҳам маълум. Қирқ, юз ва минг қабилалари марқа деган умумий ном билан аталган. Қирқларнинг этногенези Дашти Қипчоқ ўзбеклари билан боғлиқ. Қирқлар ўтмишда бир қанча уруғларга бўлинган...

*Қирқён* топоними этимологияси ҳақида фикр юритган проф. З.Дўсимов унинг икки қисмдан иборатлиги, қирқ ва ёп (арик) компонентларидан *қирқ уругининг аригидир* маъноси ифодаланиши-ни қайд этган.

Қирқ сўзи иштирок этган топонимлардан яна бири *Қирқоёқ*дир. Ушбу топоним ҳам этноним асосида шаклланган. Бу ҳақда проф. Т.Нафасов шундай маълумот берган: иқпчоқсаройларнинг бир уруғи – қирқоёқ. Қирқоёқ – ҳашарот тури. Шу ҳашарот ўтмишда тотем саналган. Тотем→уруғ номи→қишлоқ номи. Этник таркиб асосида қишлоқ ном олган.

Бухоро вилояти Ромитан туманидаги *Қирқлар* топоними ҳам этноним асосида шаклланган.

Демак, таркибида қирқ сўзи бўлган топонимларнинг айримларида сон-миқдор, кўплик каби маънолар ифодаланган бўлса, баъзилари этнонимлар асосида шаклланганлигини сабабли сон-миқдор маъносини йўқотиб, ўзи қўшилиб келган сўз билан яхлитланиб қолган.

Хуллас, топонимияда сон шаклидаги бирликлар иштирокидаги номлар кўплаб учрайди. Уларнинг кўпчилигида сон шаклидаги birlikлар миқдор ифодалашга хизмат қилмайди. Бу топонимларнинг узоқ шаклланиш жараёнлари, ном таркибидаги фонетик ёки морфемик ўзгаришлар билан боғлиқдир. Топонимлар таркибидаги бошқа сон-миқдор билан боғлиқ сўзларни тадқиқ қилиш эса кейинги изланишларда ўз ечимини топади, деб ўйлаймиз.

**Қаюмова Мунаввар Санакуловна (НавДПИ, ф.ф.н., доцент),**

**Кодирова Дилрабо Шамсидиновна (катта ўқитувчи),**

**Собирова Фотима Азамат қизи (ТошДПУ магистранти)**

## **КОНЧИЛИК ТЕРМИНОЛОГИЯСИ ВА КОНЧИЛИККА ОИД ТЕРМИНЛАРНИНГ ДЕРИВАЦИОН ХУСУСИЯТЛАРИ**

**Аннотация.** Ушбу мақолада муаллифлар томонидан термин ва терминологияга оид фикр-мулоҳазалар, кончилик терминологияси масалаларига доир назарий қарашлар ёритилган. Кончилик терминларининг яслишида фаол ҳисобланган суффиксация ва синтактик усуллар воситасида ҳосил бўлган кончилик терминлари, абсолют терминлар – дублет терминлар чуқур таҳлил этилган. Шунингдек, мақолада ўзбек кончилик терминологиясини шакллантириши жараёнидаги бир неча камчиликлар ҳамда муаммолар таъкидланиб, уларнинг ечимлари кўрсатиб берилган.

**Аннотация.** В данной статье авторы изучают взгляды и мнения о терминологии, рассматривают теоретические взгляды, касающиеся вопросов горной терминологии. В статье подробно анализируются термины, дуплетные термины, образованные при помощи суффиксации и синтаксического метода. В статье также освещается ряд недостатков и проблем в формировании узбекской горной терминологии, а также предлагаются возможные решения.

**Annotation.** In the hereby article, the authors discuss the views and opinions on terminology, consider theoretical views on the issues of mining terminology. Terms, doublet terms formed by means of suffixation and syntactic methods are thoroughly analyzed in the article. The article also highlights a number of shortcomings and problems in the formation of Uzbek mining terminology and suggests possible solutions.

**Калим сўзлар:** термин, кончилик терминологияси, кончилик терминографияси, терминологик тизим, термин элемент, дублет термин, синтактик усул, суффиксация.

<b>Husenova Muhtaram Husniddin qizi.</b> Boshlang'ich sinf ona tili darslarida izohli lug'atdan foydalanish metodlari.....	96
<b>Ибатова Амира Шавкатовна.</b> “Нон” лексемасини ўрганишнинг семантик ва концептуал жиҳатлари.....	99
<b>Ochilova Laylo Temirovna, Rajabova Lobar Choriyevna.</b> Boshlang'ich sinflarda o'quvchilarning matematikadan mustaqil ishlarini tashkil qilish metodikasi.....	101
<b>Мирсагатова Дилором Убайдуллаевна.</b> Обучение студентов неязыковых специальностей переводу в сфере профессиональной коммуникации.....	103
<b>Абдурахмонов Миршод Олимжон угли, Елбоева Мадина, Тиловов Даврон.</b> Влияние обучения языкам в сообществе (CLT) на устный дискурс студентов.....	107
<b>Шамуратова Гулистон Юлдашевна.</b> Межкультурный подход в преподавании иностранных языков.....	111
<b>Тажбенова Сауле Сарсенгалиевна.</b> Современные формы и проведение классных часов в начальной школе.....	114
<b>Нагметова Нурсулу Муртабаевна.</b> К вопросу о домашней работе в начальной школе.....	118
<b>Баязитов Комил Фаритович.</b> Актуальность разработки системного управления подготовкой тяжелоатлетов в многолетнем процессе спортивного совершенствования.....	121
<b>Исраилова Махсуда Нигматуллаевна, Юлдашева Дилшода Юлдашевна, Сайфуллаева Лола Собитовна.</b> Use of Educational Technologies in Language Teaching.....	124
<b>Arslonbekova Rano.</b> Critical Evaluation of the Lesson in a State University.....	126

## ILMIY AXBOROT

<b>Асадова Гавхар Тешабаевна.</b> Объект синтактик элементлар семантикаси хақида.....	129
<b>Жуманиёзов Зоҳид Отабоевич.</b> Ҳозирги немис, рус ва ўзбек тилларидаги инглизча дипломатик неологизм-терминлар хақида.....	131
<b>Ҳайдаров Анвар.</b> График воситаларнинг услубий хусусиятлари.....	137
<b>Эгамназаров Қобил Абдиназарович.</b> Инглиз ва ўзбек тилларида олмошларнинг тарихий тараққиёти хақида.....	141
<b>Ro'zimatova Dilnoza Murodovna.</b> O'zbek tilidagi tibbiy terminlar semantikasi.....	144
<b>Қиличев Байрамали.</b> Топонимлар таркибидаги сонлар хақида.....	148
<b>Қаюмова Мунаввар Санакуловна, Кодирова Дилрабо Шамсиддиновна, Собирова Фотима Азамат кизи.</b> Кончилик терминологияси ва кончиликка оид терминларнинг деривацион хусусиятлари...151	151
<b>Шакурова Наргиза Хамракуловна.</b> Mother лексемасининг этимологияси ва унинг дефиницион анализи.....	155
<b>Абдуллаева Фотима Бахромовна.</b> Техникавий терминлар, уларнинг ҳосил бўлиши ва ўзбек тилига таржимасига доир.....	157
<b>Каримова Зухра Улугбековна.</b> Мақоллар: g'arb va rus olimlari nigohida.....	160
<b>Холисова Гавхарой Маннобжон қизи.</b> Тижорий мулоқот тавсифи.....	162
<b>Норбоев Ўқтам Сафарбоевич.</b> “Асил ва Карам” достони бадииятида поэтик кўчимларнинг тутган ўрни.....	164
<b>Allambergenova Muqaddas Ruslanovna.</b> Qadimgi yozma yodgorliklarda ayol konsepti.....	168
<b>Авазов Озод.</b> Сарикамишбўйи зироткор аҳолисининг антик давр ёдгорликларида археологик изланишлар натижалари.....	170
<b>Камолова Санобар Джабборовна.</b> Прагматические свойства французских антропонимов.....	173
<b>Муратова Дилором Махмудовна.</b> Взгляд на туристическую лексику.....	175
<b>Мадатов Хабибулла Ахмедович, Кутлиева Феруза Юсуповна.</b> О наследии Аль-Хорезми – капля из океана.....	178
<b>Юсупова Шохида Ботировна, Машарипова Фазилат Ахмедовна.</b> Применение типа тестовых задач «задания с выбором одного наиболее правильного ответа».....	181
<b>Xoliqova Dilnoza Musurmon qizi.</b> The Notion of Borrowings and International Words.....	185
<b>Shamuradova Naima Muxtarovna.</b> Comparative Study of Ellipsis in English and Uzbek Languages.....	187

## FANIMIZ ZAHMATKASHLARI

<b>Жизнь, посвященная науке о живой старине... (посвящается памяти академика Мамедага Ширалиева).....</b>	190
-----------------------------------------------------------------------------------------------------------	-----

# “ILM SARCHASHMALARI”

Urganch davlat universitetining ilmiy-nazariy, metodik jurnali

Muharrir **Ro‘zimboy Yo‘ldoshev**  
Texnik muharrir **Sherali Yo‘ldoshev**  
Musahhihlar: **Tamara Turumova,**  
**Aybek Kalandarov**  
Ushbu songa mas’ul **Qurolboy Navruzov**

Terishga berildi: 22.03.2021  
Bosishga ruxsat etildi: 31.03.2021.  
Ofset qog‘ozi. Qog‘oz bichimi 60x84 1/8.  
Rizograf bosma usuli. Tayms garniturasi.  
Adadi 150. Bahosi kelishilgan narxda.  
Buyurtma №. 10  
Hisob-nashriyot tabag‘i 25  
Shartli bosma tabag‘i 23  
UrDU matbaa bo‘limida chop etildi.

UrDU matbaa bo‘limi matbaa faoliyatini boshlagani  
haqida vakolatli davlat organini xabardor qilish to‘g‘risidagi  
Tasdiqnoma (№3802-835f-ad22-c709-fbd1-1129-1986) asosida faoliyat yuritadi.

Manzil: 220110. Urganch shahri, H.Olimjon ko‘chasi, 14-uy.  
Telefon/faks: (0362)-224-66-01;  
e-mail: [ilmsarchashmalari@umail.uz](mailto:ilmsarchashmalari@umail.uz)  
[ilmsarchashmalari@mail.ru](mailto:ilmsarchashmalari@mail.ru)  
Veb-sayt: [www.ilmsarchashmalari.uz](http://www.ilmsarchashmalari.uz)  
Telegram: <https://t.me/ilmsarchashmalari>